

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУҲИТИНӢ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ҚҮМИТАСИ РАИСИ



н.н. обломурадов

«2» март 2022й.

ДАСТЛАБКИ МАЛАКА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТҮПЛАМИНИ БЕРИШ УЧУН СҮРОВ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МАИШИЙ
ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ ЛОЙИҲАСИ

Лойиха (тендер) номи:

«Наманган вилоятининг **Поп тумани** қаттиқ майший чиқиндиларни түплаш, олиб
чикиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик
(ДХШ) шартлари асосида бошқариш»

ДХШ обьектининг жойлашуви:

Наманган вилояти **Поп тумани**

Давлат шериги:

Наманган вилояти ҳокимлиги

Давлат шериги:

Наманган вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси

Тендер ташкилотчиси:

Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
Давлат қўмитаси

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-йи 100043
Телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#)

Тошкент ш. - 2022 йил февраль

1. Асосий тушунчалар

1. Майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойихаси учун мазкур тендер хужжатларида қўйидаги тушунчалар қўлланилади:
 - 1) **Давлат-хусусий шериклик** (кейинги ўринларида - ДХШ) – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жихатдан расмийлаштирилган, ДХШ лойихасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;
 - 2) **ДХШ лойихаси** – давлат-хусусий шерикликка асосланган майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойихаси;
 - 3) **ДХШ лойихасининг концепцияси** – давлат ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланадиган, ДХШ лойихасини амалга оширишни ҳал этишга доир танловни асослаб берадиган, шунингдек, жалб қилинадиган инвестицияларнинг кайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган концептуал ҳужжат;
 - 4) **ДХШ обьекти** – қаттиқ майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ шартлари асосида амалга ошириладиган майший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма;
 - 5) **давлат шериги** – Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва вилоят (туман) ҳокимлиги (кейинги ўринларида – давлат шериги);
 - 6) **хусусий шерик** – якка тартибдаги тадбиркор, Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатнинг қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик фаолияти субъекти (юридик шахс) ва шундай субъектларнинг бирлашмаси (консорциум);
 - 7) **тендер** - ДХШ лойихаси доирасида соддалаштирилган рақобат тартибларидан фойдаланиб хусусий шерикни танлаш бўйича очик тендер;
 - 8) **дастлабки малакани аниқлаш хужжатлари** – дастлабки малакани аниқлаш шартлари ва тартибини аниқлаш учун ишлаб чиқилган ва тендер ташкилотчиси томонидан малака хужжатларини тайёрлаш ва ДХШ тендернинг биринчи босқичда қатнашиш учун потенциал хусусий шерикларга тақдим этилган хужжатлар;
 - 9) **тендер ташкилотчиси** - Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси;
 - 10) **тендер комиссия** - қонун хужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган майший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссияси;
 - 11) **мезонлар** – давлат-хусусий шериклик асосида майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойихасининг тендер хужжатларида белгиланган танлаш мезонлари;
 - 12) **битим** – тендер ташкилотчиси томонидан тендер комиссия қарори асосида тендер ғолиби билан тузиладиган ДХШ асосида майший чиқиндиларни бошқариш тўғрисидаги битим;
 - 13) **лоихани баҳолаш хужжати** (кейинги ўринларида – ЛБХ) – лойиханинг қийматини ва молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағлар ҳажмини белгилаб берувчи ҳамда асосланган энг мақбул техник-технологик ва лойихани амалга ошириш бўйича ташкилий қарорни қабул қилишни асословчи лойиха хужжати;
 - 14) **талабгор** – ДХШ лойихасини амалга ошириш бўйича қизиқиш билдирган, тендерда иштирок этиш учун дастлабки малака хужжатларни ва тендер таклифларни тақдим этган якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки бир

- нечта тадбиркор ва юридик шахс иштирокида тузилган консорциум (оддий шериклик);
- 15) **тендер ғолиби** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер жараёни якунлари бўйича ДХШ тўғрисида битим тузиш учун танланган талабгор (хусусий шерик);
- 16) **захирадаги ғолиб** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер ғолибининг тендер таклифидан сўнг энг яхши тендер таклифини берган деб эътироф этилган талабгор (хусусий шерик).
2. Тендер хужжатларида куйидаги қисқартмалар қўлланилади:
- 1) **Агентлик** - Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги;
 - 2) **Қонун** - Узбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги 537-сонли "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонуни (кейинги ўринларида – Қонун);
 - 3) **Низом** - Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сонли "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини таомиллаштириш тўғрисида" қарорига мувофиқ тасдикланган "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом" (кейинги ўринларида – Низом).

2. Умумий қоидалар

3. Мазкур дастлабки малака хужжатларини тўпламини бериш учун сўров Қонун ва Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.
4. Маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш хуқуқига эга бўлиш учун хусусий шерикни танлаш учун мазкур сўров хужжати потенциал хусусий тадбиркорларга дастлабки малака босқичида иштирок этиш шартлари ҳақида маълумот бериш учун мўлжалланган.

5. Талабгорлар ДХШ лойиҳасини амалга оширишдан манфаатдор эканлигини билдириш учун тендерда иштирок этганда куйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:
- хуқук лаёкатига эга бўлиши;
 - ДХШ тўғрисидаги битимга доир мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган професионал тажрибага, моддий ва техник ресурсларга ҳамда малакали ва тажрибали мутахассисларга эга бўлиши;
 - Қонунда белгиланган манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган асосларга эга бўлмаслиги.

Қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган талабгорларнинг тендерда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

6. Дастлабки малакани баҳолаш бўйича асосий маълумотлар 1-иловада келтирилган ҳамда ДХШ лойиҳасини қисқача тавсифи 2-иловада келтирилган.

3. Хусусий шерикнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари

7. Хусусий шерик ўз ва қарз маблағлари билан ДХШ лойиҳасини молиялаштириш ва амалга ошириш хуқуқига эга.

8. Тендер ташкилотчиси хусусий шерикка Қонунда назарда тутилмаган малака талабларини қўйишга ҳақли эмас. Хусусий шерик малака талаблари билан боғлик бўлмаган маълумотларини тақдим этмаслик хуқуқига эга.

9. Талабгорлар дастлабки малакага оид хужжатларни тақдим этиш муддати тугагунига қадар тақдим этишлари шарт ва тақдим этиш муддати тугагунига қадар

исталган вақтда дастлабки малакага оид ҳужжатларини ёки қайтариб олиши мүмкін.

10. Хусусий шерик үзининг малака талабларига мувофиқлигини тасдиклаш бўйича тендер ташкилотчиси томонидан белгиланган шакллар бўйича ҳужжатларни ва барча маълумотларни тендер ташкилотчисига тақдим этади.

11. Хусусий шерик малака талабларига мувофиқлиги тўғрисида сохта ва ёлғон маълумотлар тақдим этган тақдирда, суд томонидан адолатсиз хусусий шерик деб тан олинган кундан бошлаб кейинги уч йил давомида ДХШ лойиҳалар бўйича давлат шерикларнинг тендерларида иштирок этиш тақиқланади.

12. Хусусий шерик томонидан тақдим этиладиган малака тўғрисидаги маълумотларнинг аниқлиги тендернинг исталган босқичида тендер комиссия, тендер ташкилотчиси ёки ваколатли давлат органлари томонидан белгиланиши мүмкін.

13. Хусусий шерик томонидан тақдим этиладиган малакага оид сохта ва ёлғон маълумотларни тақдим этилганлиги аниқлаганда тендер комиссияси талабгорни тендердан четлаштиради.

14. Талабгор ўз малакасани ошириш мақсадида консорциум шаклида ушбу тендерда иштироқ этиши мүмкін. Бунда консорциумни ташкил этиш асл шартномаси барча аъзолари томонидан имзоланган ва уларнинг вазифалари ва мажбуриятлари кўрсатилган ҳолда тақдим этилиш керак ва шартномада етакчи корхона белгиланиш керак. Шунда етакчи корхона ушбу ҳужжатда кўрсатилган дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун қуидаги талабларга мувофиқ булиши керак:

- санитар тозалаш соҳага яъни майший чиқиндишларни тўплаш, саралаш, олиб чиқиш ва қайта ишлаш, санитар полигонларда чиқиндишларни сақлаш ва утилизация қилишга оид маҳсус тажрибага эга бўлиш (5-илова, А-банди);
- малакага эга бўлган ва санитар тозалаш соҳада ишлаб келган асосий мутахассисларни мавжудлиги (5-илова, Б-банди);
- талабгорнинг юридик ахволи талабларига мувофиқлиги (5-илова Г-банди).

15. Консорциумни етакчи ва қолган аъзоларининг 5-иловада кўрсатилган бошқа мезон ва талабларга нисбатан умумлаштирилган ҳолда баҳоланади.

4. Тендерда иштирок этиш билан боғлиқ чекловлар

16. Талабгорлар қуидаги ҳолларда тендерда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас, агар:

- Қонунда белгиланган манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мүмкін бўлган асослар бўлса, масалан хусусий шерикнинг раҳбарларини ёки таъсисчиларини яқин қариндошлари, турмуш ўртоғи ёки қариндошлари ва хусусий шерикнинг ишончли вакиллари тендер бўйича баҳолаш ёки қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга ёки тендер комиссияси ва ишчи гуруҳ аъзоси бўлса;
- асосий воситалар баланс қийматидан 10 (үн) фоизидан ортиқ бўлган хусусий шерикнинг (консорциум шаклида иштирок этганда етакчи компаниянинг) мулки мусодара қилинган бўлса;
- талабгорлар (консорциум шаклида иштирок этганда етакчи компаниянинг) ижро ҳужжатлари бўйича катта мажбуриятларга эга ва ижро ҳужжатларини ижро этиш учун ваколатли орган томонидан киритилган бўлса;
- талабгорларни (консорциум шаклида иштирок этганда етакчи компаниянинг) картотека №2 ва банк ссудалари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлса;
- талабгорларнинг (консорциум шаклида иштирок этганда етакчи компаниянинг) молиявий-хўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатилган бўлса.

17. Талабгорлардан ҳеч бири биттадан ортиқ тендер таклифини тақдим этишга ҳақли эмас.

5. Дастрлабки малакани баҳолаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

18. ДХШ лойиҳаси бўйича хусусий шерикни дастрлабки малакасини баҳолаш учун талабгорлар З ва 4-иловаларда талаб килинган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан тақдим этадилар.

19. Талабгорлар консорциум шаклида иштирок этаётган бўлса, консорциумнинг барча аъзолари ўз малакасини намойиш қилиш учун З ва 4-иловаларда талаб килинган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан тақдим этадилар.

20. Консорциумнинг барча аъзолари номидан тегишли ҳаракатларни амалга ошириш хамда уларнинг манфаатларини тендерда химоя қилиш ваколати етакчи компанияга юклаганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг (ишончномани) асл нусхаси тақдим этилиш керак.

6. Дастрлабки малака ҳужжатларни тақдим этиш тартиби

21. Талабгорларнинг дастрлабки малакага оид ҳужжатлари ушбу сўров ҳужжатида кўрсатилган тақдим этиш охирги муддатига қадар боғланган ҳолда, ҳар бир варафи рақамланган ва имзоланган ҳолда, охирги варақ эса хусусий шерикнинг раҳбари ёки консорциумнинг ишончли шахс имзоси ва корхонани (ёки етакчи корхонани) мухри билан тасдиқланган ҳолда, ёпилган ва муҳланган ташқи конвертда тақдим килинади.

22. Ташқи конвертда қўйидаги мухим маълумотлар бўлиши лозим:

- Хусусий шерикнинг (ёки консорциумнинг) тўлиқ номи ва почта манзили (агар консорциум бўлса фақат етакчи компаниянинг почта манзили);
- Тендер ташкилотчисининг тўлиқ номи ва почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-йи, телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#), 2 қават;**
- Тендер номи: «**Наманган вилоятиниг Поп туманида қаттиқ майший чиқиндишарни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш**».

23. Ташқи конвертларга солинган дастрлабки малакага оид ҳужжатлар талабгорларнинг раҳбари ёки ишончли вакиллари томонидан тендер ташкилотчисинг манзили бўйича ёки рўйхатга олинган почта орқали тақдим этилади.

24. Тендер ташкилотчиси белгиланган муддатгача тақдим этилган дастрлабки малакага оид ҳужжатларни:

- ўрнатилган тартибда қабул қиласи ва реестрга киритади;
- аввал қабул қилинган ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар ўрнатилган тартибда қабул қиласи ва реестрга киритади.

25. Хусусий тадбиркорларнинг, яъни талабгорларнинг дастрлабки малакага оид ҳужжатлари рад этилган ҳоллар, қачонки:

- талабгор ушбу ДХШ тендерида катнашиш учун ҳужжатларини бошқа талабгор таркибида хам тақдим этган бўлса;
- дастрлабки малакага оид ҳужжатлар қабул қилиш охирги муддатидан сўнг тақдим қилинган бўлса.

26. Дастрлабки малакага оид ҳужжатларни қабул қилиш тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда хамда ҳолларда электрон тарзда амалга оширилиши мумкин.

7. Дастлабки малака ҳужжатларни баҳолаш тартиби

27. Тендер ташкилотчиси дастлабки малака ҳужжатларни қабул қилингандан сүнг тендер комиссиясининг қарорига биноан белгиланган муддат давомида талабгорларнинг дастлабки малака талабларига мувофиқлигини ўрганиш, аниқлаш ва баҳолаш ишларни ташкиллаштиради.

28. Талабгорлар дастлабки малака талабларига мувофиқлиги учун маълумотларни ва тасдиқловчи ҳужжатларни ушбу сурвада берилган шартларига риоя этмаган ҳолда тақдим этган бўлса, тендер ташкилотчиси мазкур талабгорларни малакасини тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатлар асосида баҳолаш ҳақли.

29. Дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш мезонлар 5-иловада келтирилган ва тендер ташкилотчиси факат ушбу мезонлар буйича талабгорларни баҳолайди.

30. Бир босқичли¹ тендерда талабгорнинг дастлабки малака баҳолашда тўплаган баллар тендер таклифларини баҳолашда тўплаган балларига қўшилади.

31. Икки босқичли² тендерда дастлабки малака босқичидан муваффакиятли ўтган талабгорлар, яъни камида 60 (олтмиш) балл тўплаган талабгорлар, тендер иштирокчиси сифатида эътироф этилади ва уларга тендер таклифларини тақдим этишга доир сурои ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойихаси юборилади.

32. Икки босқичли тендерда дастлабки малакалашни ўтказиш натижасида камида иккита талабгор малака талабларига мувофиқ булиши керак. Акс ҳолда, тендер комиссияси тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва тақрорий тендерни эълон қилишга ҳақли. Тақрорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

33. Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан қилган харажатларининг ўрни қопланмайди, бир ёки икки босқичли тендер бўлишдан каттий назар.

¹ Умумий киймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойихаси буйича бир босқичли тендер ўтказилади.

² Умумий киймати бир миллион АҚШ долларидан ортик бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойихаси буйича икки босқичли тендер ўтказилади.

1-ИЛОВА

Дастлабки малакани аниқлаш бўйича асосий маълумотлар
(Уйбу илова талабгорларга фақат маълумот учун берилган, малакага оид ҳужжесатлар
таркибида топниши талаб этилмайди!)

| № | Кўрсаткич номи | Маълумотлар |
|---|--|--|
| 1 | Тендер ташкилотчиси | Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Манзил: 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-уй Телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#) |
| 2 | Дастлабки малака ҳужжатларини тўпламини қабул қилиш жойи ва оҳирги муддати | Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-уй Сана: 2022 йил «_____» Вакт: 00:00 |
| 3 | Дастлабки малака ҳужжатларини тўпламини ташқи конвертларни очиш жойи, санаси ва вақти | Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-уй Сана: 2022 йил «_____» Вакт: 00:00 |
| 4 | Аризани тақдим қиласиган тили | Ўзбек тили |
| 5 | Алоқа, савол ва мурожаат учун маълумотлар | Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-уй Телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#) Электрон почта: _____ |
| 6 | Дастлабки малака ҳужжатларини тўпламини бериш сўрови бўйича саволлар билан мурожаат қилиш оҳирги муддати | Дастлабки малака ҳужжатларини тўпламини қабул қилиш оҳирги муддатидан етти (7) кун. |
| 7 | Дастлабки малака ҳужжатларини тўпламини тақдим этиши шакли ва нусхалар сони | Ёнилган ва муҳрланган ташқи конвертда, қофоз шаклида, битта (1) асл нусха ва битта (1) нусха. |

ДХШ лойиҳасининг қисқача тавсифи

(Уибу илова талабгорларга фақат маълумот учун берилган, малакага оид ҳужжатлар
таркибида топишориши талаб этилмайди!)

| № | Кўрсаткич номи | Маълумотлар |
|---|---|---|
| 1 | ДХШ лойиҳасининг номи | Наманган вилояти Поп туманида қаттиқ маший чиқиндиларни тўплаш, олиб чикиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш |
| 2 | ДХШ обьекти | Курилиши ва эксплуатацияси ДХШ лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган Наманган вилояти Поп туманида маший чиқиндиларни йиғиш, олиб ташлаш, саралаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма |
| 3 | ДХШ обьектининг жойлашуви | Наманган вилояти Поп тумани |
| 4 | ДХШ лойиҳасини амалга ошириш шартлари ва босқичлари | Битим муддати: 20__ - 20__ йил (10 йил) Инвестиция киритиш муддати: 20__ - 20__ йил (3 йил) |
| 5 | ДХШ лойиҳаси қиймати | ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича талаб этиладиган инвестиция миқдори 10 882,2 млн. (млрд.) сўм |
| 6 | Харажатларни тиклаш ва даромад олиш манбалари | Қаттиқ маший чиқиндиларни тўплаш ва ташиб кетиш хизматлари учун мижозлар томонидан амалга оширилган тўловлар, ҳамда чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлашдан топилган қўшимча ва бошқа даромадлар |
| 7 | Давлат таъминоти турлари ва хажмлари | ДХШ битимига мувофиқ |

3-ИЛОВА

Тендер иштирокчиси түррисида
МАЪЛУМОТЛАР

ЗА: Умумий маълумотлар

Тендер иштирокчисининг тўлиқ юридик номи (агар консорциум шаклида бўлса, консорциумни барча аъзоларнинг тўлиқ юридик номи): _____

Тендер иштирокчиси (консорциумни етакчи аъзосини) раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Манзил ва телефон/факс рақами: _____

Электрон почтаси: _____

Юридик мақоми: _____

Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами: _____

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди буйича): _____

Тендер иштирокчи санитар тозалаш соҳага оид бўлган маҳсус тажрибасини қўйдаги жадвалларда маълум қилиши ва тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиш керак:

1-Жадвал:

Иштирокчининг майший чиқиндилиарни тўплаш ва олиб чиқиш тажрибаси ҳақида маълумотлар

| № | Биректирилган худуд (шахар ёки туман) | Биректириш учун асос бўлган ҳужжат* | | Биректирилган сана | |
|---|---------------------------------------|-------------------------------------|--|-------------------------------------|--|
| | | ҳозирда амалда бўлган ҳужжат* | илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат* | ҳозирда амалда бўлган ҳужжат бўйича | илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат бўйича |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| | | | | | |

Изоҳлар:

* - Тегишли ҳудудни биректириши түррисида ваколатли давлат органнинг қарори ёки Е-изжро аукцион галиби бишан тузилган битим нусхалари корхона муҳри билан тасдиқланган (аслига тўғри белгиси билан) ҳолда илова этилишини шарт.

2-Жадвал:

Иштирокчининг майший чиқиндилиарни қабул қилиш, саралаш ва қайта ишлаш тажрибаси ҳақида маълумотлар

| № | Чиқиндилиарни қабул қилиш, саралаш ва (ёки) қайта ишлаш ускуналари жойлашган жойи | Фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжат* | | Экологик экспертиза хуносаси | |
|---|---|---|--|--|---|
| | | ҳозирда амалда бўлган ҳужжат (берилган вақти ва рақами) | илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат (берилган вақти ва рақами) | ҳозирда амалда бўлган ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами) | илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами) |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| | | | | | |

Изоҳлар:

* - Махаллий давлат ҳокимияти ва боиқа ваколатли органларнинг гувохнома ва (ёки) рухсатномаси тақдим этилади.

З-Жадвал:

**Иштирокчининг санитар полигонларда чиқиндишларни сақлаш ва утилизация қилиш тажрибаси
ҳакида маълумотлар**

| № | Фаолият амалга ошириладиган чиқинди полигонининг жойлашган жойи* | Фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжат** | | Экологик экспертиза хуносаси | |
|---|--|---|--|--|---|
| | | хозирда амалда бўлган ҳужжат (берилган вақти ва рақами) | илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат (берилган вақти ва рақами) | хозирда амалда бўлган ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами) | илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами) |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| | | | | | |

Изоҳлар:

* - Чиқинди полигоннинг жойлашган жойини Google ҳаритаси тақдим этишиади.

**- Қайси ваколатли давлат органнинг ёки бошқа тегисили ташкилотнинг қарори (ёки бошқа норматив ҳужжатлар ва шартнома) асосида чиқинди полигон бирюзлигиган ёки қурғилган бўлса, унбу ҳужжатлар илова қилинади.

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) раҳбарини имзоси:

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) муҳри:

Тузилган сана: 2022 йил «_____»

ЗБ: Тендер иштирокчисининг асосий мутахассислари ҳақида маълумотлар

| № | Асосий мутахассис | Ф.И.Ш. ва туғилган санаси | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом раками ва берилган санаси) ¹ | Эгаллаган лавозими ² | Тендер иштирокчиси да эгаллаган лавозимларда иш стажи ³ (йиллар) | Санитар тозалаш ёки лавозим билан боғлик бўлган иш тажрибаси ⁴ (йиллар) |
|---|--------------------------------|---------------------------|--|---------------------------------|---|--|
| 1 | Корхона раҳбари | | | | | |
| 2 | Транспорт соҳасидаги мухандис | | | | | |
| 3 | Транспорт соҳасидаги иктисадчи | | | | | |

Изоҳлар:

1-диплом, шаҳодатнома ва ҳ.к. нусхаси;

2-лавозимга тайинлаш ва (ёки) вазифани юклари ҳақидаги буйруқ нусхаси;

3-мехнат дафтарчаси нусхаси (иши стажиси www.ty.mehnat.uz “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралароро дастурий-аппарат комплексига киритилган маълумотлар орқали аниқланади);

4-бошқа ташкилотларда ишлаган даври бўйича санитар тозалаш соҳасида ёки кўрсатилган лавозим бўйича тажсрибаси ҳам инобатга олинини сабабли, меҳнат дафтарчасининг тегизили бетларидан нусха тендер иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган ҳолда (аслига тўғри белгиси билан) шлова қилиншии шарт.

Талабгорниң (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) раҳбарини имзоси:

Талабгорниң (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) муҳри:

Тузилган сана: 2022 йил «_____»

3В: Тендер иштирокчисини молиявий ахволи түғрисида асосий күрсаткичлар

1) Қоплаш коэффициенти (тұловга қодирлик коэффициенти) - ташкилотнинг қисқа муддатли мажбурияттарининг тұлов имконияттарини күрсатади, у фактада дебиторлар билан үз вақтида ҳисобкитоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан бағланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайғанлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бүйича ҳисоблаб чиқилади:

$$Кпл = \frac{(ТМЗ - НП) + ДЗ + DC}{TO}$$

Бунда:

ТМЗ – товар моддий захиралар (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 140-сатр;

НП – тугалланмаган ишлаб чиқариш (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 160-сатр;

ДЗ – дебиторлар (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 210-сатр;

DC – пул маблағлари жами (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 320-сатр;

TO – жорий мажбуриятлар жами (хисобот даври охири), баланс пассивининг II бўлим 600-сатр.

Агар тұловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1.25 дан кам қийматга эга бўлса, корхона ушбу күрсаткич бүйича тұловга қодир эмас деб ҳисобланади.

2) Үз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти - ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг үз айланма маблағлари мавжудлигини, корхона мулқдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қуйидаги формула бүйича аникланади:

$$HCOC = ИСС - ЗУ + ДО - ДА$$

Бунда:

ИСС – үз маблағлари манбалари жами (хисобот даври охири), баланс пассивининг I бўлим 480-сатр;

ЗУ – таъсисчиларнинг устав капиталига улушлари бүйича қарзи (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 290-сатр;

ДО – узок муддатли мажбуриятлар жами (хисобот даври охири), баланс пассивининг II бўлим 490-сатр;

ДА – узок муддатли активлар жами (хисобот даври охири), баланс активининг I бўлим 130-сатр;

Агар ҳисобот даври охирида үз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ижобий ($HCOC > 0$) күрсаткични хосил қиласа, у ҳолда корхона ушбу күрсаткич бүйича үз айланма маблағлари билан таъминланган деб ҳисобланади.

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) раҳбарини имзоси:

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) муҳри:

Тузилган сана: 2022 йил «_____»

4-ИЛОВА

Дастлабки малакани аниқлаш босқичида талабгорларнинг малакасини баҳолаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар РҮЙХАТИ

4A. Юридик ҳужжатлар:

- 1) Юридик шахс рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувохнома;
- 2) Юридик шахс низомининг нусхасини. Талабгор консорциум шаклида иштирок этган ҳолларда (Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 53-боби бўйича юридик шахс бўлмаган оддий шериклик) низомнинг нусхалари консорциумнинг барча аъзолар томонидан тақдим этилади;
- 3) Талабгорнинг мол-мулки хатланмаганлиги, банк ҳисоб рақамларга тақиқ қўйилмаганлиги, молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилмаганлиги Мажбурий ижро бюро органлари (ёки бошка ваколатли органлари) томонидан тасдиқланган маълумотнома (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 4) Талабгорнинг тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги тўғрисида талабгорнинг кафолат хати (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 5) Талабгорни таъсисчиларнинг корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш нияти йўқлигини тасдиқлаш кафолат хати;
- 6) Консорциум (оддий шериклик) шаклидаги жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг бирлашмалари танловида иштирок этган тақдирда, унинг иштирокчилари ўз малака талабларини тасдиқлаш учун тендер ҳужжатларнинг 19-бандида белгиланган кўшимча ҳужжатларни тақдим этадилар.

Изоҳ:

Талабгорлар ўз хоҳишиларига кўра малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни ҳам тақдим этишилари мумкин.

4Б. Молиявий хужжатлар:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот түғрисидаги қонунчилигига ёки молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига мувофиқ тузилган, охирги (ўтган) уч тўлиқ молиявий йил учун молиявий ҳисоботлар ($\Phi\text{-}1$ ва $\Phi\text{-}2$ шакллар ва бюджетга тұловлар ҳакида маълумот), мансабдор шахсларнинг муҳри ва имзоси билан ҳамда Давлат солик инспекция электрон тизимига топширилганилиги түғрисида тасдиқловчи хужжат билан;
- 2) Талабгорнинг асосий ва иккиламчи банк ҳисоб рақамларида пул мавжудлигини тасдиқловчи хизмат күрсатувчи банк хати (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал холатига*);
- 3) Талабгорнинг мулк ҳуқуқини ҳамда кўчмас ва кўчар мулкнинг қийматини тасдиқловчи хужжатлар («Мулкий рўйхатни») нусхарлари (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал холатига*);
- 4) Талабгорнинг картотека №2, банк ссудалари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжудлиги/йўқлиги, талаб қилиб олингунча миллий ва хорижий валютадаги асосий ва иккиламчи банк ҳисоб рақамлардаги маблағлар қолдиги, ҳамда улар бўйича сўнгги 2 йиллик айланмалар (оборот) ҳакида хизмат күрсатувчи банклардан Маълумотномалар (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал холатига*).

Изоҳ:

Тендер ташкилотчиси (ёки тендер комиссия ва уни баҳолаши учун жалб қилинган ваколатли шахслари) дастлабки малакалаши босқичида тақдим этилган талабгорларнинг маълумотларни ва ҳужжесатларни ишончлгини ва туғри эканлигини текшириши мақсадида, заруратга кўра қўшимча маълумотларни ва ҳуқисжатларни талаб этишига ҳақли ҳисобланади. Талабгорлар томонидан юридик ёки молиявий ҳуқисжатлардан бири тақдим этилмаслиги ёки юқорида белгиланган талаблар асосида тақдим этилмаслиги тендер комиссияси томонидан талабгорни дастлабки малакалашдан ўтмаган деб топши ёки дисквалификация қилиши учун сабаб бўлиши мумкин.

Дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш мезонлари

| Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари | Вазн ва максимал балл |
|--|-----------------------------|
| A) Талабгорниң санитар тозалиш соҳага оид маҳсус тажрибаси (юкоридаги 3-илова «А-банди», 1, 2 ва 3-жадваллар): <ul style="list-style-type: none">Санитар тозалаш соҳасидаги хизматлар тажрибаси, шу жумладан маший чиқиндиларни түплаш ва олиб чишиш; маший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш: санитар полигонларда чиқиндиларни саклаш ва утилизация қилиш (3 йил ва ундан ортиқ тажрибага максимал 20 балл; 1 йилдан 3 йилгача 10 балл, 1 йилдан кам тажрибага 5 балл; умуман тажрибага эга бўлмаган корхонага 0 балл). | 20 |
| B) Талабгорниң асосий мутахассислар малакаси (юкоридаги 3-илова «Б-банди»): <ul style="list-style-type: none">Корхона раҳбари – 8 баллТранспорт соҳасидаги мухандис – 6 баллТранспорт соҳасидаги иқтисодчи – 6 балл | 20 |
| <p>Бунда айнан кўрсатилган ҳодимнинг уибу мутахассислик стажига қараб баҳоланади. Юқорида айтилган ҳар бир асосий мутахассис қўйидағича баҳоланади:</p> <ul style="list-style-type: none">✓ умумий малака (маълумоти): олий (40%), ўрта-маҳсус (20%) ва ўрта (10%);✓ санитар тозалиши соҳасида ёки лавозим мутахассислигига оид маҳсус тажриба: 3 йил ва ундан ортиқ (60%), 1 йилдан 3 йилгача (40%), 1 йилдан кам стажс (20%), соҳага оид иш стажи мавжуд бўлмаган ҳолларда 0 балл берилади | |
| B) Талабгорниң молиявий аҳволи (юкоридаги 4-илова «Б-банди»): <ul style="list-style-type: none">Охирги йиллик молиявий хисбот бўйича кўрилган соф фойда кўрсаткичи (Ф-2 шакл) | 10 |
| <p>Бунда 10 балл тендер иштирокчилари сонига бўлинади ва иштирокчиларни оладиган баллари улуши аниқланади, энг юқори кўрсаткич эгаси максимал баллни олади, қолган иштирокчилар кўрсаткичлари бўйича камайтирилган балл эгасига айланади. Бунда соф фойда молиявий хисботда акс этмаган иштирокчига балл берилмайди.</p> | |
| <p>Мисол: Иштирокчилар сони 5 та бўлганда ($10/5=2$). Юқори кўрсаткич 10 балл, иккинчи яхши кўрсаткич эгаси 8 балл, учинчи яхши кўрсаткич 6 балл, тўрттинчи кўрсаткич 4 балл ва охирги ижобий кўрсаткич эгаси 2 баллга эга бўлади.</p> | |
| <ul style="list-style-type: none">Охирги йиллик молиявий хисботи бўйича қоплаш коэффиценти (тўловга қодирлик) бўйича (энг юқори – 10 балл, меъёрдан баланд 5 балл, меъёрдан паст – 0 балл). (юкоридаги 3-илова «В-банди 1-қисми») | 10 |

| Мезонлар, галаблар ва баҳолаш шартлари | Вазн ва максимал балл |
|---|-----------------------------|
| <p>Бунда энг юқори күрсаткич тендер иштирокчиси максимал баллга, қоплаш коэффициенти (тұловга қодирлик) меъердан паст бұлған иштирокчилар максимал баллнинг 50% миқдорига, қоплаш коэффициенти меъердан паст бұлған күрсаткич иштирокчиси 0 баллга эга бұлади.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Үз айланма маблағлари билан таъминланғанлик күрсаткичи бүйіча (юқоридаги 3-илова «В-банди 2-қисми») <p>Бунда 10 балл тендер иштирокчилари сонига бұлнаади ва иштирокчиларни оладиган баллари улуши атиқланади, энг юқори күрсаткич әгаси максимал баллни олади, қолған иштирокчилар күрсаткичлари бүйіча камайтирилған балл әгасига айланади. Ижобий күрсаткичга эга бўлмаган иштирокчига балл берilmайди.</p> <p>Г) Талабгорнинг юридик ахволи (юқоридаги 4-илова «А-банди»):</p> <ul style="list-style-type: none"> • Талабгорнинг мол-мулки хатланмаганлиги, ҳисоб рақамтарга тақиқ қўйилмаганлиги, молиявий-хўжалик фаолияти тұхтатилмаганлиги ҳақида тегишли органлардан тасдиқловчи маълумотномалар тақдим этилган тақдирда 10 балл, ушбу маълумотномаларнинг барчаси ёки биронтаси мавжуд бўлмаган тақдирда ёки маълумотномаларда мол-мулки хатланган ва (ёки) ҳисоб рақамларга тақиқ қўйилған ва/ёки молиявий-хўжалик фаолияти тұхтатилганлиги кўрсатилганда балл берilmайди); • Ишлаб чиқариш бинолари (автогараж), чиқинди ташиш техникаси, ускуналар, машиналар ва механизмларнинг мавжудлиги ҳақида маълумотномалар (тасдиқловчи хужжатлар билан бирга) тақдим этилганда 10 балл, ушбу мол-мулкдан биронтаси, яъни автогараж ёки чиқинди ташиш техникаси ёки қолганлари мавжуд бўлмаган тақдирда 5 балл, умуман маълумот тақдим этилмаганда ва (ёки) тақдим этилган маълумотда юқоридаги мол-мулк мавжуд эмаслиги кўрсатилганда 0 балл берилади; • Талабгорнинг юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган санасидан бошлаб умумий молиявий-хўжалик фаолияти даври (0 йилдан - 3 йилгача 50%, 3 йилдан - 5 йилгача 75%, 5 йилдан юқори бўлганда 100%) | 10 |
| ЖАМИ | 100 |

Изоҳлар:

Бир босқичли тендерда талабгорнинг дастлабки малака баҳолашда тўплаган баллар тендер таклифларини баҳолашда тўплаган балларига қўшилади.

Икки босқичли тендерда дастлабки малака босқичидан муваффакиятли ўтиш учун талабгорлар **камида 60 (олтмиш) балл** тўплаш лозим. Шундагина талабгорлар иккинчи босқич тендер иштирокчиси сифатида эътироф этилади ва уларга тендер таклифларини тақдим этишга доир сўрови ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси юборилади.